




ТОШКЕНТ ОҚШОМ




ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 1 (9.651) 2002 йил 2 январь, чоршанба

Сотувда эркин нархда



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Муҳтарам дўстлар!

Яна бир неча дақиқалардан кейин XXI асрнинг биринчи йили билан хайрлашиб, янги 2002 йилга қадам қўямиз.

Мана шундай ҳаяжонли лаҳзаларда байрамонга дастурхонлар атрофида жамулхам бўлиб ўтирган сиз, азиз ва қадрли ватандошларимни, бутун халқимизни юртимизга кириб келаётган қўлтуғ Янги йил айёми билан чин қалбимдан муборакбод этишга, барчангизга ўзимнинг чексиз ҳурматимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Шундай дамларда якунига етаётган йилнинг ўзига хос оғир ва енгил томонларини, аввало, шу йил давомида бошимиздан кечирган зоҳеаларни эслаш, амалга оширган хайрли ишларимизни сарҳисоб қилиш, яна бир бор ҳаёлимиздан ўтказиш табиий ҳолдир.

Албатта, 2001 йил давлатимиз, эл-юртимиз учун осон кечгани йўқ. Турли офат ва қийинчиликлар, дуч келган синовлар ҳақида — сурункасига икки йилдан буюн давом этиб келаётган қўроқчилик ва унинг салбий оқибатлари, ташқи бозорга чиқараётган пахта толаси ва бошқа экспортбон маҳсулотларимизнинг нархи пасайиб бораётгани туфайли валюта тушумининг камайиши, бунинг устига, кўп қойларда ишни ташкил этиш ва бошқаришда йўл қўйилган камчиликлар — буларнинг барчаси ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Лекин, шундай муаммоларга қарамадан, ўтиб бораётган йилни розилик ва шукроналик кайфияти билан кузатишга ҳар томонлама асосимиз бор, деб ўйлайман.

Бунинг далолатини, аввало, мамлакатимиз, жамиятимизда тинчлик ва оқойишпазлик, миллатлараро тоғувлик, сиёсий-ижтимоий барқарорлик ҳукм сураётганида, мавжуд қийинчиликларга қарамай, иқтисодиётимизнинг ривожланиш суръатлари ўсиб бораётганида, барчамиз гувоҳ бўлиб турган янги-янги улкан иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилаётганида, бир сўз билан айтганда, иқтисодий таъсирчанлигимиз мустақамлангани, юртимизнинг янада обод бўлиб, чиройи очилаётганида аққол кўришимиз мумкин.

Бунинг исботини маънавий юксалиш, халқимизга хос азалий қадриятларни тиклашда, шу билан бирга, демократик муносабатлар ва эркин бозор принципларини жорий қилишда, одамларимизнинг дунёқараши ва тафаккурида изланиш, ишбилармонлик ва талбиркорлик, ўз кучига, ўз ақл-заковати, билим ва

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

тажрибасига суяниб яшаш каби фазилатлар, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусининг тобора кучайиб бораётганида кузатишимиз мумкин.

Келажакимиз ҳақида фикр юритганда, бизнинг кўнглимизни тўқ қиладиган яна бир ўта муҳим масала борки, уни эсласликка ҳаққимиз йўқ, деб ўйлайман. Мен бу ўринда бутун кучга тўлиб, замонавий билим ва илгор малакаларни эгаллаб олаётган, ҳеч кимдан кам бўлмаган Ватанимизнинг келажаги ва тараққиётини ўз зиммаси, ўз масъулиятига олишга қодир янги авлод униб-ўсиб келаётганини назарда тутаман.

Кўксимизни тоғдай кўтарадиган эл-юртимизнинг энг катта ишонган таянчи ва суянчи бўлиш фарзандларимизнинг камолини кейинги йилларда ёшлар таълими ва тарбиясига қаратган катта куч ва эътиборимиз, бу борадаги изчил сиёсатимиз ҳозирда қўз ҳосилини бераётганини қўриб, ҳар қайси ота-она, ҳар қайси оила, барчамиз узоқни кўзлаб қилган шу ишмиздан рози бўлмаслигимиз, шукр қилмаслигимиз мумкинми?

Хурматли юртдошлар!

Туғаб бораётган йилнинг тарихимизда қолдираётган изи ва таъсири ҳақида сўз юритиб эканмиз, ҳеч шубҳасиз, охириги ойларида бошланган антитеррористик кураш унинг самараси ва натижалари ҳақида гапиришимиз ўринли, деб биламан.

Шу ҳаракатлар туфайли Марказий Осиё минтақасида содир бўлаётган кескин ўзгаришларни ва, аввало, қўшни Афғонистон ҳудудига йиғирма йилдан буюн давом этаётган урушни тугатиш, кўп азоб ва ўқубатлар кўрган шу тупроқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлида биринчи қадамлар қўйилаётганини эътироф этишимиз керак.

Америка Қўшма Штатлари ва унга иттифоқчи бўлган давлатларнинг халқро терроризмга қарши эълон қилган, бу жирканч иллатни тағ-томири билан сугуриб ташлашга қаратилган курашида Ўзбекистоннинг эгаллаган аниқ-равшан ўрни ва олиб бораётган сиёсати тўғри эканин бутун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бу масалада Ўзбекистон тутган сиёсатнинг маъно-мазмунини ва аҳамиятини чуқур англаш учун, аввало, 11 сентябрдан кейин ва Афғонистонда контртеррористик операциялар бошланмасдан олдин вужудга келган оғир ва ноаниқ вазиятни ўзимизга тасаввур қилмоғимиз керак.

Шундай мураккаб бир шароитда, ҳеч иккиланмасдан, қатъиятлик билан, фақат ва яна бир бор фақат Ўзбекистон манфаатини кўзлаб, бизга нисбатан тўрт томондан билдирилган турли хил маслаҳатлар, дўқ-пўписаларга қарамадан, ягона ва тўғри қарорга келиш шу пайтда осон иш эмас эди.

Ҳеч кимнинг ногорасига ўйнамасдан танлаган бу мустақил йўлимиз ҳозирги кунда бутун дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда ва тан олинмоқда.

Бутун узоқ ва яқин қўшниларимиз, умуман халқро ҳамжамият, жаҳон халқлари Ўзбекистонга, унинг мард ва танти халқига, ҳар қандай ҳал қилувчи дамларда, шароит ва вазиятларда ҳам унинг қатъиятли сўзига ишониш ва таяниш мумкинчилигига иқдор бўлмоқда ва шундан ҳулоса чиқармоқда.

Илгари Ўзбекистонни балки харитадан ҳам топа олмайдиган олис давлатларнинг вакиллари бутун мамлакатимизнинг янгидадан танимоқда ва унга хайрихоҳлик билдирмоқда.

Муҳтасар қилиб айтганда, ўтган йил мобайнида ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам барча қийинчиликларга бардош бериб, белимизни қаттиқ боғлаб қилган меҳнатимиз, пешона теримиз билан қўлга киритган ютуқлар

римиз, жамиятимизда қарор топиб бораётган демократик қадриятлар ва кенг қўламли ислохотлар, халқаро майдонда қозongan юксак обрў-эътиборимиз эртанги ҳаётимизни янги босқичга кўтариш ва эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Албатта, биз янги марра, янги ўфқлар сари ҳаракат қилар эканмиз, аввало, ўз кучимиз ва қудратимизга, ақл-заковатимизга суянган ва таянган ҳолда, ер ости ва ер усти бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, ўз режаларимизни белгилашимиз ва ҳар доим шулар ҳисобидан келажакимизни кўришимиз ва қуришимиз табиий.

Бизнинг янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш, халқимиз турмушини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш мақсадида қиладиган ҳаракатларимизга катта хайрихоҳлик билан қараб, ҳамкорлик қилини узатаётган энг тараққий топан давлатлар ва чет эллик шерикларимизнинг ёрдами ва қўмаги, иқтисодиётимизга хорижий сармоялар кириб келаётгани, шу асосда қўшма корхоналар тузилаётгани, янги лойиҳалар амалга оширилаётгани бу марраларга етишимизда айтиш мумкин бўлади.

Азиз ватандошларим!

Мен Янги йил арафасида сизларнинг эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман.

Халқимизнинг асл табиатида бўлган, юртдошларимизга хос меҳр-оқибатчилик, аҳилик, ўзаро ҳурмат, шайқат ва мурувват каби буюк хусусият ва фазилатларнинг жамиятимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, уларни янги авлод, фарзандларимиз онгига сингдириш бутунги ва эртанги кунимизни янада чарогон этишда, эзгу мақсадларимизга эришишда энг катта мезон ва омил бўлишини англаб олишимизга ишонаман.

Айнан мана шундай ўлмас қадриятларга, ўз кучи ва қудратига ийноиб яшаётган халқимизни ўз танлаган йўлидан ҳеч қандай ёвуз ва сохта куч қайтара олмайди.

Хурматли дўстлар!

Янги йилни халқимизнинг хоҳиш-истагини ифода этиб, Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилганимиз ҳам албатта бежиз эмас.

Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, шу юртнинг оғир-енглини умр бўйи елкасида кўтариб келган, хонадонларимизнинг фазли ва кўрки бўлган бу мўътабар зотларни рози қилиш, дуосини олиш — дунёдаги энг улуғ савобдир.

Биз Янги йилга меҳрибон ота-оналаримизни, муҳтарам қарияларимизни улуглаш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан қалам қўётган эканмиз, ўйлайманки, кириб келаётган йилда барча ҳолис ниятларимиз ижобат бўлмай, иншоолоҳ.

Муҳтарам ватандошларим, қадрдонларим!

Сизларни юртимизга кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор қўтлаб, ўзимнинг энг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Янги йилда ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга тинчлик ва қўт-барака ато этсин!

Кексаларимизнинг умрлари зиёда бўлсин, ёшларимизнинг бахту иқболлини берсин!

Барчангизга сийхат-саломатлик, куч-ғайрат ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Янги йил ҳаммамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Янги йилда ҳар бир оила,
ҳар бир хонадонга тинчлик
ва қўт-барака ато этсин!
Кексаларимизнинг умрлари
зиёда бўлсин, ёшлари-
мизнинг бахту иқболлини
берсин!

Ислом КАРИМОВ

XXI аср саҳоси
Барча манбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• 2002 йил — Янги йилнинг кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан дунёда тинчлик ва хотиржамликни тилаб, эзгу ниятлар битилган табриқлар келиши давом этмоқда.

• Хабар берилганидек, ўтган йилнинг 27-28 декабрь кунлари Тошкентда Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Қозғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг Тошкент баёноти имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновнинг Қўшма баёноти қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг ҳаммаси марказий матбуот саҳифаларида эълон қилинди.

• Олий Мажлисининг Мудоффа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Ёшлар ишлари қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижроси тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

• Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг бўлиб ўтган йилгида Давлат солиқ қўмитаси тизимида ҳамда Қашқадарё вилоятида «Давлат тили ҳақида»ги ва «Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунларнинг қандай бажарилаётганлиги ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

• Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманидаги Хожа Аҳрор Валий номли маҳаллада Маънавият ва маърифат марказининг биноси бунёд этилди.

• Пойтахтимизнинг Миробод туманида хусусий «Олтин қанот» болалар боғчасининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

• Республика Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, «Усто» республика жағмармаси томонидан 2001-2002 ўқув йили учун ўтказилган «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танловида мутахассислик фанлари бўйича биринчи ўрин Ибн Сино нашриётида чоп этилган «Фармакогнозия» дарслигига берилган.

• Қорақўл туманида кураш бўйича спортчилар тайёрлайдиган мактаб иш бошлади.



Жаҳонда

• Токиода Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланб Ўзбекистон Республикаси тақдироти бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси ташкиллаштирди.

• Кеча Куба Инқилоб кунини нишонлади.

• Брюсселда Испаниядан Европа Иттифоқи раислигини олиб бериш маросими бўлиб ўтди.

• Аргентина Президенти лавозимини вақтинча бажараётган Адольфо Родригес Саа истефогга кетишини эълон қилди. У бор-йўғи бир ҳафта мобайнида ана шу лавозимни эгаллаб турди. Мамлакат конгресси Аргентина Президенти вазифасини бажарувчи этиб Эдуардо Дуальдени тасдиқлади.

• Покистон «Толибон» ҳаракатининг бир қатор собиқ етакчиларига сиёсий бошпана беришдан бош тортди. Уларга қисқа муддат ичида мамлакатни тарқ этишлари тақлиф этилди.

• Америка разведкасининг маълумотларига қараганда, Усама бин Лодин жиддий ҳасталанган бўлса-да ҳали ҳам тирик. Телефон орқали бўлиб ўтган суҳбатни ушлаган махсус хизматлар ана шунини аниқлашга эришди.

• Перу пойтахти Лимадаги савдо марказларидан бирида рўй берган кучли ёнғин оқибатида камида 280 киши ҳалок бўлган ва 20 киши турли даражадаги жароҳатларни олган. 20 киши бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқда. Ёнғин пиротехника маҳсулотлари сақланмаган омборнинг портлаши оқибатида содир бўлган. Мамлакатда икки кунлик мотам эълон қилинган.

• Лондонда Янги йилни қўтиб олиш пайтида камида 85 киши ҳибсга олинган. Тартиб бузувчилар қайф ҳолатда бебошлик қилганлар.

• Покистонда маҳаллий кабелъ студияларига Ҳиндистоннинг йўлдош телевидениеси дастурларини олиб кўрсатиш таъқиқланди.

«Президент арчаси» шодиёналари

Илгари хабар бериб ўтганимиздек, Ўзбек Миллий академик драма театрида уч кун мобайнида зумрад арча атрофида болажонларнинг шодон куй ва кўшиқлари янгради. «Президент арчаси» тантаналари зўр қувонч ва шодиёналик билан ўтди, у минг-минглаб фарзандларимизнинг қалбларига бир олам қувонч ва шодлик улашди.

Шуни айтиш керакки, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2002 йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан байрам шодиёналари табарруқ отахон ва онахонларнинг шукроналик дуою фотиҳалари билан бошланди. Улар юртимиз ободлиги, халқимизнинг тинчлик ва оқойишпазликда фаровон турмуш кечираётгани, фарзандларимиз камолоти ҳақида тинмай ғамхўрлик қиладиганини, фарзандларимизга узоқ умр ва сийхат-саломатлик тилади.

Айни шу кезларда серкўёш юртимизда давом этаётган «Президент арчаси» шодиёналарида Ватанимиздаги 50 минг нафардан зиёд кичкинтойга Президентимиз номидан совға-саломлар улашилмоқда. Шунинг ҳам айтиш керакки, байрам шодиёналарига Ўзбекистон эстрада юлдузлари, «Томоша» болалар гуруҳи ва «Баҳор» ракс ансамбли санъаткорлари ўзгача жозиба ва фойз киритмоқдалар.

(Ўз муҳбириимиз).



Хабар берилганидек, Тошкентда иккинчи чакирик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шавабдураҳмонов бошқарди.

Сессия кун тартибига киритилган биринчи масала — «Тошкент шаҳрининг 2001 йил иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаларининг қўйлаётган якунлари ва 2002 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир вазифалар тўғрисида» Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Иқтисодиёт ва статистика б.ш. бошқармасининг бошлиғи Н.Хоновнинг маърузаси тингланди. Маърузада таъкидланганидек, 2001 йил давомида шаҳримиз иқтисодиёти ва унинг муҳим соҳаларининг ўсиш суръатлари, умумий макроеқтисодий мутаносиблик барқарорлигини таъминлашда олдимизда турган устувор вазифаларни ҳал қилиш йўлида изчил қадамлар қўйилди, мамлакат мустақиллигининг ўн йиллиги нишонланган йилда катта бунёдкор-

лик ишлари амалга оширилди. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги улгуржи нархларда 420,6 миллиард сўмга тенг бўлди, ўсиш суръати 2000 йил якунларига нисбатан 111 фоизини ташкил этади.

Шуни айтиш керакки, шаҳарда

муҳокама қилиш, бу жараёнга тўқсинлик қиладиган сабабларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда иқтисодий эркинликни кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқишини таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Якунлар ва янги вазифалар

Иккинчи чакирик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тўққизинчи сессиясидан

молиявий аҳволни соғломлаштириш, дебитор-кредитор қарзларни қайтариш, нақд пул муомаласини барқарорлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Сессияда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ва ислохотларни чуқурлаштиришда белгиланган барча вазифаларнинг тўлиқ бажарилиши таъминланмагани, бу борада ҳали талайгина фойдаланилмаётган имкониятлар ва камчиликлар ҳам мавжудлиги таъкидланди ҳамда иқтисодий ислохотлар натижаларини танқидий

Сессияда «Тошкент шаҳрининг 2002 йилги бюджети ҳақида» Тошкент шаҳар Молия б.ш. бошқармасининг бошлиғи Б.Тоҳировнинг маърузаси ҳам тингланди.

Сессияда унинг кун тартибига киритилган «Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самардорлигини оширишда туман ҳокимликларининг ўрни тўғрисида» Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.Ақромовнинг маърузаси эшитилди.

Сессияда «Тошкент шаҳрининг коммунал хизмат кўрсатиш тизими-

да ислохотларни янада чуқурлаштириш тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. «Жамиятга ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий дастури»нинг Тошкент шаҳрида бажарилиши тўғрисида»ги, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг айрим доимий комиссиялари таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси таркибига қисман ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Халқ демократик партияси-

дан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг гуруҳини (фракциясини) рўйхатга олиш тўғрисида»ги, «Тошкент шаҳар ҳокимининг «QA Stores Ltd» хорижий корхонасини фойдаланганда ер майдонларига ижара ҳақини тўлашдан озод қилиш тўғрисида»ги қарорини тасдиқлаш ҳақидаги масалалар ҳамда ташкилий масалалар қўриб чиқилди.

Сессия кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



ЛАЗЗАТНИНГ АСОСИ, ДИЛЛАР ДАВОСИ...

Маҳдуми Аъзам номи билан шухрат топган Аҳмад Хожагии Косоний Давбеда яшаб ижод қилди. Унинг фойз осор макбара-си хозирда ҳам қутлугъ зиёратгоҳ ҳисобланади. Унинг 30 дан ор-тиқ асарлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ша-рқшунослик институтининг Кўлбаслар хазинасида сақланмоқ-да. Улуғ олим ва шайх ўз асарларининг баъзиларини Заҳриддин Мухаммад Бобурга ва Шайбоний хонларидан Убайдулла Султон-га бағишлаган эди. Қизиғи шуки, деҳқончиликни яхши билган ва ўз қўл меҳнати билан кун кечирган шайхнинг қовуғи бағиш-ланган «Рисолаи биттихийя» («Қовун ҳақида рисола») номли асари ҳам бор эди. Унда ёзилишича, қовун ҳақида расулulloҳ хадислари ворид бўлиб, хадиси шариф бўйича, қовун жаннат мевасидир.

Лаззатнинг асоси қовунда бордир, Роҳатнинг расоси қовунда бордир. Жаннатнинг ҳиди-ю, неъматнинг бўйи, Дилларнинг давоси қовунда бордир.

Қовуннинг турлари ва хосиятлари ҳақида тарихий, жуғрофий ва зироатга оид асарлардан қўллаб маълумотларни топиш мум-кин. Бобо-деҳқонлар эса уларни яхши биладилар ва бу неъмат-ни ҳар йили халқимизга етказиб берадилар. Ахир «босволди»-дан ким ҳам лаззатланмаган дейсиз?

Босволдининг оти нега босволди? Босволди нимани қачон босволди? Полиза киргандим, бунни ҳис қилдим, Босволди иштаҳа қасрин босволди!

Борди-ю «қўсқа» қовун уртага келса, иштаҳа қўрғонининг қула-масдан иложи борми?

Тошқанд шаҳрида бор даҳаи Кўкча, Бирок, борми экан Кўкчада кўкча? Кўкчани қидириб Кўкчага борма, Кўкчада бозор бор, бозорда кўкча.

«Умрбоқий» (умрбоқий) қовунининг ташқи кўринишиёқ одамга ажиб завқ бахш этади. Ундан бир тилим еган кишининг умри боқий бўлиши турган гап.

Биласанми, қачон умр боқийдир, Умрбоқий бўлса, умр боқийдир. Умрбоқий агар муяссар бўлса, Умрбоқий сенга умр боқийдир.

Айниқса, халқимиз «кампиричопонни» эъзозлайди. Бу қовун гарчи кампирнинг қочониини эъзозлаб, бирок лаззатда ой рухсор па-риригининг завқу сафосини бахш этади.

Кампирчопон дея кампирчопонни, Менсимай кийнама кампирчопонни. Кампирчопон қачон жамолни очса, Қўлдан чиқармагин кампирчопонни.

«Фанни қилиш зироа» ва «Ирошуд-у-зироа» китобларида қовун ва у билан боғлиқ тажрибалар ҳақида аjoyиб фикрлар ёзилган. Бир қовун умрини фақат деҳқончилик билан ўтказган бирода-рим Усуббек ака уйига тақдир қилган қовун. Айни қовун пилишги эди. Хонага қадам қўйсам, уй ичини атир хидига ўхшаган ҳид тугиб кетибди.

— Атири ортиқча сепиб юборибсиз! — дедим унга.

Усуббек ака ўз одади бўйича елқарини силкийтиб-силкийтиб қулди. Утирдик. Соңик билан ёпиб қўйилган ва бир тилими кесиб олинган қовуннинг устини очди ва тилимини менга узатди. Ундан гуркираб атиргунинг хиди келар эди.

— Бу қандай қовун? — дедим.

— Бу ўша сиз газетда ёзиб чиққан қовун, — деди Усуббек ака.

Гапнинг нимада эканини энди тушундим. «Аjoyиб ул-маҳлу-қот» китобида ёзилишича, қовун урулган кузда атиргунинг гул-барглари орасига яшириб қўйилса ва келаси йили экилса, етилган қовундан атиргул хиди анкиб турар экан. Мен бу маълумотни тарихи қилиб, газетда бостирган ва бир нусхасини Усуббек акага берган эдим. Усуббек ака уни тажрибадан ўтказибди. Ҳаде-май бошқа биродарлар ҳам йиғилишди. Атир хидли қовунни маза қилиб ташидик.

Қовуннинг ичидан таралса атир, Лаззати бир уйга одамга татир. Атирли қовунни аяма элдан, Чунки парча патир оламга татир.

СОҒЛОМ ДЕМА УНИ...

Мен ёшлик пайтимда қишлоқимизни кўп саволга тугатдим ва баъзан гап эшитиб ҳам олардим. Қўнамазда ўғри, банги, қўқару, новча, сарик, касал, ҳезалак, хасис, чирвои каби лақабли киши-лар кўп эди. Мен бу лақаблар нима учун берилганини сўрайверар эдим. Қишлоқимиз уларни тушунтириб берсалар эди, бирок бун-дай лақаблар билан аташ гуноҳ эканини таъкидлар ва Қўрғонни Қаримдан бир оятни ўқиб, тафсир қилиб берад эдилар. Менга бу оят ёдланиб қолган эди. У «Ужарот» сурасида бўлиб, қўнамада эди: «Ло талиму анфусакум ва ло таноазу би-л-алкоб», яъни бир-бирларингизни масҳара қилманглар ва ҳар хил лақаблар билан атаманглар, дейилган эди.

Қишлоқимиз: — Бирок уста, дурадгор, темирчи, новвой, тикувчи каби касб лақабларини исмга қўшиб айтилса бўлаверади, — дер эдилар.

Қабохат ўтирар дилга келтирма, Кўнгилни бу қолу қилга келтирма. Ярама сўзлардан қочгин-у узок, Ёмон лақабларни тилга келтирма.

Бирок халқ қўйган баъзи лақаблар бўладики, уларни йўқотиб бўлмайди, бундай лақаб хатто авлоддан авлодга ўтиб боради. Масалан, бир одам хасис деган лақаб олган бўлса, унинг ўғли ёки набирасини танитиш учун «Фалончи хасиснинг ўғли ёки набираси» деб тилга оладилар. Одам ўлиб кетса ҳам, лақаб яна юз йиллар сақланиб қолаверади. Демак, ҳар қандай одам, ўз феъли-аъвори билан ёмон лақаб олмаслик учун ҳаракат қилиши керак экан.

Элнинг назаридан қолмоқдан қочгин, Дилга ёмон феълни соғмоқдан қочгин. Нималардан аввал қочайин десанг, Ёмон лақабларни оқмоқдан қочгин.

Қўнамазда банги деб ном чиқарган иккита кекса киши бўлар-ди. Биз мактабдан келиб, молу қўларимизни ўтлатиш учун тоғ томонга олиб борардик. Бу икки кекса киши қўнда ўтиришар ва ўзлари билан ўзлари сўзлашади, одамларнинг ўтиб кетаётган-нини ҳам сезишмас эди.

Бехуда ҳаёллар бангида бўлар, Захиллик, қарасанг, рангида бўлар. Бангининг ақлидан янгилик кутма, Фойда қачон темир зангида бўлар?

Улар шу даражада озби-тўзиб кетган эдиларки, ўринларидан қўч билан зўрга туришар, беллари эгик, ранглари сарғайиб кет-ган эди.

Зарарни сочоди жаҳона банги, Соғлом дема уни, девона банги. Қўнору нашини кемравериб, Жаҳаннам қаърига равона банги.

Бу икки бангидан бирининг ўғли бўлиб, оти Илқаш эди. Бола-лар унинг исмини маза қилиб, қулиб юришарди. У ўрта мактаб-ни биздан бир неча йил кейин битирган эди. Мен уни даярли 40 йилга яқин қўрмаган эдим. Бир кун биродарларим Абдулҳай Махсум, Фатхуллага Махсум ва Усуббек акаларни Тошкентга тақ-лиф қилдим. Улар тоғу боғларни томоша қилиш автобусда ке-тишни оруз қилдилар. Марҳаматдан Тошкентга автобус қатнар эди. Автобуста ўтириб, йўлга тушдик. Қирқ ёшлардаги бир киши автобусда жойида ўтирмас, таниш-нотааниларга сўз отар, ҳай-довчиларнинг олдида бориб, нималарини дер, тобонар, маст эканлиги кўриниб турарди. Охири менинг ёнимга келиб ўтирди.

— Мени таниясизми? — деди у.

— Йўқ, — дедим.

— Мен фалончининг ўғли Илқашман, — деди.

Мен уни энди танидим ва ҳеч ажабланмадим. Бу ўша икки бангидан бирининг ўғли эди...

У Марҳаматдан Қўноғача тинимсиз гапирди. Унинг тузсиз гапларидан ёнимдагилар ҳам безор бўлишди. Қўноғача келган, автобусдан тушиб, бир дўкон олдида бориб ва бир стакан вино ичиб олди. Автобуса чиқиб, бир йигит билан жанжаллашиб кет-ди. Ёнимга ўтирмасин деб, мен орқага ўтиб кетдим ва буш жой-лардан бирига ўтириб олдим...

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

Мана, Янги йил ҳам бошланди. Мухта-рам Ўртбошимизнинг бу йилни Қариялар-ни қадрлаш йили деб эълон қилиш тақлиф-лари 2002 йилга ўзгача фойз ва тароват қўшди. Зеро, қариялар бор жойда фойз бўлади. «Қариси борнинг париси бор», деб бежиз халқимиз айтмаган.

Ҳаётда ёшлар мамлакатимизнинг фаол аъзо-си, давлатимиз учун моддий фойда келтирувчи-лар сифатида саналадилар. Кексаларини? Ме-нимча улар 40-50 йил самарали меҳнат қилиб ёшларни қарз қилиб қўйган ва ўз навабатида маъ-навий бойлик келтирувчи шахслардир. Айниқса, уларнинг пандлари билан иш қўрган ёш авлод ҳаётда асло кам бўлмайди, ҳоқилмайди. Чунки

КЕКСА ЮРАК ИЗҲОРИ Серфайз, барокатли бўлади!

улар меҳнатда тажрибали, аччиқни ҳам, чучуки-ни ҳам татиб қўрган инсонлардир. Келинг, шу ўрин-да бир ривоятни ҳикоя қилиш зарурияти туғил-ди.

Қадим замонда бир мамлакатда ҳукмдор ва-фот этиб, унинг ўрнига ёш ўспирин ўғли тахтга ўтирибди. У эртасигаёқ олтимши ёшдан ошган кекса, ортиқча нонхўрларнинг калласи олинсин дея фармон берибди. Бундан қўчиган мўйсифид-лар юртни тарк эта бошлабдилар. Фақат бир йилгитгина отасини уйда олиб қолиб, сандиққа яшириб қўйибди. У бир кун дарё бўйида балик овллаб ўтирган экан, подшоҳ қирқ аскар билан дарёга сайр этгани келибди. Шунда шохнинг қўзига дарё тагида ялтиллаб турган узук қўри-нибди ва дарҳол олиб чиқини буюрибди. Қирқ аскар ва йигит шўнғибдилар, аммо узукни қўлга қиритолмабдилар. Шунда подшоҳ: «Агар кечгача чорасини топмасанглар ҳаммагини қўлдан ўтказаман», деб қочдирга қириб кетибди.

Йигит ҳаллослашган отаси хазурига келиб воегани баён этибди. Шунда ота:

— Дарё бўйидаги бирор дарахтга қўш ин қур-ган бўлса керак. Унга узукни олиб келиб ташла-ган, унинг акси эса қўшда йилтиллаб дарёда қўринган бўлса эҳтимол, — дебди.

Йигит бориб текширса отаси ҳақ экан. Бун-дан подшоҳнинг хабардор этиб узукни тақдим этиб-ди, шунда шох йигитга:

— Бу сендан чиққан ақл эмас, тўғриси айт, сенга ким ўргатди? — деб мажбур этибди.

Йигит шохдан бир қошиқ қонидан кечишини сўраб ҳақиқатни баён этибди.

Шундан кейин ҳукмдор қарияларни қайтариш-га фармони олиб берибди...

Айтавер, юқорида айтиб ўтилган ривоятга изоҳ-нинг ҳолати бўлмаса керак. Сўзни мухтасар этиб юртимиздаги нурунийларни доимо сыйлаб кела-ётган Ўртбошимизни Оллоҳ сўзласин, дея дуо этайлик. Йилимиз серфайз, барокатли бўлсин!

Ботирхон хожи ҚОЗОҚҲОНОВ,
Ақмал Икромов туманидаги «Янгибод» маҳалласининг фаоли, меҳнат фахрийси.



ЎША ҚАРИШ БАХТИ

олий саодат, — дейди табаррук инсон Мираббос ота

деган доно мақоли бекор айтилмаган. Кек-саларни ҳурмат-иззат қилиб қўнғилларини, дуоларини олаётган фарзандлар асло кам бўлмайди. Уларнинг иши доим унумли, омад-ли, келажаклари нузли бўлади. Пир убад-лат қарияларимиз борлиги учун хонадонла-римиз файзли, дастурхонимиз тўкин ва баро-катлидир.

Ушбу оила онахони, оила бекаси Ҳури аядан қўша қариш бахти, оила тотувлигининг сири, фарзандлар тарбияси ҳақида сўрадик.

— Фарзандларимиз— бизнинг бойлигимиз, фахримиз. «Унта бўлса ўрни бошқа» дейди-лар. Унта фарзандни овқа турғазиб, яхши тарбия бериб, ўқитиб, ўйли-хоили қилишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Шундай кезларда сабр-тоқат билан, ҳаммасини аҳиллик билан ҳал қилинса оилада ўзаро меҳр-оқибат йўқолмай-ди, тотувлик барқарор бўлади. Оллоҳга шукр, умр йўлдошим билан фарзандларимиз тарби-ясига алоҳида эътибор билан қараб, уларни яхши инсон қилиб вояга етказдик. Келгуси йил турмуш қўрагимизга 50 йил ўтказди. Ҳаётимиздан мамнунмиз. Ўғил-қизларимиз, келинларимиз, набираю эвараларимиз бизга жуда меҳрибон. Уларнинг ҳаммалари йиғи-лишганда уйимиз тўйдек шодликка тўлади. Бизга шунинг ўзи катта бахт. — Данагидан ма-

физи ширин» деганларидек, набиралар, эва-раларимизнинг ширин, бурро гапларини эшитганда яйраб кетамиз...

Ха, ҳақиқатан қарияларимиз хонадонимиз фариштаси, маслаҳатгўйи, тоғдек сунъиғи-дирлар. Улар билан бағримиз бутун, ҳаётим-из қувончларга тўлиқ. Мираббос ота ва Ҳури аяга Оналар ва болалар йили омадли, қувон-чи йил бўлди. Фарзандлари яна қўнайишиб-бир набира, тўрт эварали бўлишди.

Биз ҳам бахтиёр пир убадлат отахон ва онахоннинг оилаларига фойзу барака, ўзла-рига яна ҳам узок умр тилаб хайрлашаркан-миз, оила шамшироғи, мисли қўши бўлган ота-оналаримизга, барча қарияларимизга ана шундай қўша қариш бахти насиб қилишини, Яратгандан сўраб қоламиз ва дил изҳоримиз-ни қўйидаги сўзлар билан аёнлаймиз:

Кексалар уйимиз файзи қўйиши, Олтиндан ҳам қиммат ўғит-дуоси. Маъно ёғилари ҳар бир сўзидан, Меҳр-нур ёғилар мунис юзидан.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: Мираббос ота ва Ҳури ая севиқли неваралари билан.
Сергей Любич олган сурат.

4 ЯНВАРЬ — БАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Маълумки, мудофаага кўмакчи «Ва-танпарвар» ташкилоти жойларини дав-латимиз мустақиллигининг қан ҳисоб-лашимиз. Қуроли Кучлар саф ҳизмат қилиш учун ҳар томонлама таъ, уларни ватанпарварлик руҳида тарбия қарбий-амалий спорт турлари билан таълим қилиш тўғрисида кенг кўла ишларни бажармоқда.

Бинобарин, МК «Ватанпарашкилоти Ақмал Икромов туман кенгашидан ҳам туман ҳокимлиги, мудофаа ишлари халқ таъ-лими бўлимлари, жисмоний тақўмитаси, «Нуроний» жамғармаси-нинг туман бўлими, «Ка-молот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, маҳалла кўмиталари ва бош-қа ташкилотлар билан жипс ҳамкорликда ёшлар-ни Қуроли Кучлар саф-ларида хизмат қилишга тайёрлашнинг усул ва шаклларини тақомиллаш-тирган ҳолда муайян иш-лар амалга оширилмоқда.

Бу борада Бахтиёр Ра-шидов раҳбарлик қилаёт-ган (у МК «Ватанпарвар» ташкилоти туман кенга-шининг раиси ҳамдир) спорт-техника клубининг самарали фаолият юрита-ётгани нур устига аъло нур бўлмоқда. Спорт-техника клуби қошидаги хаваскор ва профессионал ҳайдов-чилар курсларида ҳар йили мингдан ортиқ ёшлар ҳай-довчилик сирларини ўрганимоқда. Яқинда СТКда-ги мавжуд техникалар ян-гиланди ва ҳозирда 5 та юк ташувчи ва 16 та енгил ма-шиналар ёшлар хизматида. Утган йили фойдаланишга тошпирилган кенг ва ёру-тирга ташриф буюрсангиз

ундан ёшларнинг қадамлари узиётганининг гувоҳи бўласиз. Бу ерда очилган янглик, ёзи биатлон ва учураш тўғрақларини қўнғилла-рининг жисмоний жиҳатдан чиққан ва би-лимдон бўлиб етишишларидаҳим омил бўлмоқда. Ракеталарни моделлашти-риш, авиа-моделлашлар, радио тўғраги, тинг, мото тўғрақлар ҳам доимо ёшлар бн гавжум. Ушбу тўғрақларга болалар 4-5 ёдан бош-лаб қатнашмоқдалар. То мактабамомлагу-ларига қадар улар муайян мутахассисларни эгалламоқдалар.

Бундан ташқари тумандаги мабларда мер-ганлик тўғрақлари мавжуд бўл барча хо-ловчилар унга аъзо бўлишлари мкин. Мер-ганлик бўйича йўриқчи Сергей Ёсков, «Умид» тўғрагида радио иши, радиогамларни қабул қилиш ва узатиш асослари бўйи машғул-ларни олиб боровчи уруш ва меҳт охириси Николай Евглевскийлар спорт-тўғна клуби-нинг фахри ҳисобланади. Ушбу тўғрада Н.Ев-глевскийдан сабоқ олган қўлабчида кей-инчалик мажор соҳаларга муҳайт уйғониб, Электротехника алоқа институтига юлсежи, радиотехника техникумига ўқиш қирмоқда-лар ёҳуд қарбий хизматини шу со бўйича ўта-моқдалар.

194-мактабда ҳам ёшларни ватанпарварлик ру-ҳида қарбий хизматга тайёрлаш ишлари намуна-ли йўлга қўйилган. Зеро, қарбий таълим ўқитувчи-си, уруш ва меҳнат фахрийси, мактабдаги «Ва-танпарвар» бошланғич ташкилотининг раиси Ва-сийий Головиннинг шоғирдлари қаторасига уч йил «Шунқорлар» мусобақасининг туман босқи-чида ғолиб чиқмоқдалар. Бунинг ортида эса таж-рибали педагогининг ўз фанига ижодий жиҳатдан ёндошиши, ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни Қуроли Кучлар сафларида хизматга тайёрлаш юзасидан турли талбирлар таш-қил қилиш каби омиллар мавжуд.

ИДОЙИ ЎҒЛОНЛАР ТИШИБ ЧИҚМОҚДА



— Барча талбирлар, режали ишларни туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳа-ракати туман кенгаши билан ҳамкорликда амалга оширянимиз, — дейди мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман кенгаши раис-ининг ўринбосари Софья Богоманова. — Бизда СТКдан ташқари туман техник ижодиёти уйи ҳам мавжуд бўлиб, унда мерганлик, картинг, радио, мототўғрақлар мунтазам ишлаб турибди.

Ҳозирда кўпроқ маҳаллаларда фаолият қўр-са-тишга ҳаракат қилияпти. Чунончи, «Ширин», Са-ккокий, «Чўпон ота», «Богистон» маҳаллаларида туман ҳудудида истиқомат қилувчи тарбияси оғир ўсмирлар билан ишлаш режаси муҳокама қилин-ди. Бундай болаларнинг рўйхати тузилиб, талаб - эҳтиёжлари, моддий аҳволи, иш ёки ўқишга жой-лаштириш лозимлиги аниқланди. Айрим эҳтиёж-мандларга моддий ёрдам қўрсатилди, бошқалари тўғрақларга жалб этилди.

Албатта болаларни қарбий хизматга тайёрлаш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламаги ишлар, қўлаб тўғрақларининг фаолият қўрса-тиш ўз самарасини берапти. Жумладан, мерган-лик ва ёзги биатлон бўйича ўтказилган Ўзбекис-тон биринчилиги мусобақаларида туман ўсмир-лари 1 ва 2-ўринларни эгалладилар. Ёзги биатлон

бўйича Тошкент шаҳри очиқ чемпионатининг учинчи босқичида А.Тошев, В.Фаттоҳов ва А.Ко-робколар ғолиб чиқишди. Туман жамоаси ҳам умумкоманда ҳисобида барчадан устун келди. Чи-лонзор тумани спорт-техника клубида фахрий-лар ўртасида мерганлик бўйича ўтказилган му-собақаларда туман жамоаси иккинчи бўлди. Ҳаво жангчи бўйича пойтахт чемпионатининг бирин-чи босқичида ҳам туман спорт техника клуби тарбияланувчилари ғолиб чиқишди.

Айниқса туман халқ таълими бўлими ва му-дофаа ишлари бўлими «Ватанпарвар» ташкило-тидан қўлдан келган ёрдамини аямаётганлиги эътиборга лойиқдир. Ушбу ташкилотлар транспортдан ва бошқа юмушларда кўмаклашгани ҳолда турли байрамлар, оммавий-ва-танпарварлик ойликлариди Темирийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон Рес-публикаси Мудофаа вази-рлиқларига қарбий хизматга чақирилувчи ёшлар учун экскурсиялар уюштирилди. Бир сўз билан айтганда муайян иш албатта аниқ, самарали натижаларга олиб келади. Демак, натижалар яхши экан, бу фаолият яхши йўлга қўйилганлиги-дан далолатидир.

Шу кезларда 14 январь Ватан ҳимоячилари кўни олдидан оммавий-ватан-парварлик ойлиги доирси-да Ақмал Икромов туман-ида МК «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан ҳам қўлаб талбирлар ўтказил-моқда ва режалаштирилган. Жумладан, ўрта ва олий ўқув юрлари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда қарбий хизматга чақирил-увчи ёшларнинг уруш ва Қу-роли Кучлар, меҳнат фах-рийлари билан унрашувлари ўтказилмоқда, ватан-парварлик мавзуларида маърузалар ва сўхбатлар ўтказилмоқда. Ойлик давомида туман ҳудудидаги хотира мажмуалари, тарихий ёдгориқлар атро-фини ободонлаштириш бўйича ҳашар ташкил этилади. Темирийлар тарихи давлат музейига бо-радилар. Болалар кўпгина спорт мусобақаларида қатнашадилар. Мактабларда «Қувноқ стартлар» ва «Шунқорлар» мусобақаси босқичи ўтказила-ди. Пневматик қуроладан отиш, ёзги биатлон, авиамодел спорт, мотоспорт, радиоспорт бўйи-ча мусобақалар ташкил этилади. Жойларда бо-лаларни спорт тўғрақлари ва клублари, қарбий-амалий спорт турларида жалб этиш, соғлом тур-муш тарзини тарғиб қилиш бўйича ишлар бўлиб ўтади. Албатта, Ватан ҳимоячилари кўни умум-халқ байрамини муносиб кутиб олиш учун кат-та тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда. Омма-вий-ватанпарварлик ойлиги МК «Ватанпарвар» ташкилоти туман кенгаши ва унинг бошланғич ташкилотларининг амалга оширган ишлари бўйича ўзига хос ҳисобот вазифасини ўтайди ва шубҳасиз, ўз сафларига қўлаб ёшларни жалб этади.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТДА: «Умид» клубининг радиотелег-рафчилар тўғрагида тажрибали мутахассис Николай Евглевский ўсмирларга сабоқ бер-моқда.
Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

ФАН Фойдали ва шифобахш

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ми-кробиология институти олим-лари соғлом ёшликни таъ-минлашга қаратилган илмий дастур доирасида қатор йирик изланишларни олиб бориб, уларни амалиётда қўллаш бо-расида яхши самарадорликка эришмоқдалар. Шу илмий жа-раёнда тоза экологик махсу-лотлар тайёрлаш учун зарур бўлган талайгина янги биотех-нологияларни яратишга ҳам эришилди.

Биофилл, биофидобакте-рин, лактобактерин, бактоспо-рулин каби фойдали биопре-паратлар ҳам юзага келди. Улар оналик ва болаликни муҳофаза қилишда шифобахш дорилар сифатида ўзига кенг йўл топди.

Илмий муассаса лаборато-рияларида буюртма асосида доривор моддаларни тайёр-лашга ҳам катта аҳамият берил-моқда. Жумладан, «Узфарма-ноат» хиссадорлик жамияти томонидан берилган буюртма-лар ҳам ўз вақтида адо этил-моқда. Бу борада институтнинг пенициллин тайёрлаш лабора-торияси фаолият қўрсатмоқ-да. Пенициллин ишлаб чиқа-ришнинг мураккаб техник-иктисодий ҳисоб-китоби ҳам корхонага тайёрлаб берилди.

Бундан ташқари стрептоми-цин ва цефалоспорин ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган ҳисоб-китоблар ҳам буюртма-чиларга етказиб берилди.

АЛОҚАЛАР

Яхши таассурот қолдирди

Буюк Британияда фаолият қўрсатаётган касб-хунар бўйи-ча Европа таълим жамғармаси Ўзбекистон билан ҳам яқин алоқа боғлаган. Республика касб танлаш ва ўқувчиларнинг руҳий-педагогик таълими мар-кази билан ҳамкорлик айнак-са самарали бўлмоқда.